

YURIDIK FANLAR AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК

REVIEW OF LAW SCIENCES



huquqiy ilmiy-amaliy jurnal

правовой научно-практический журнал

legal scientific-practical journal

2021/3



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 5 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ
АБДУРАСУЛОВИЧ**
Солиқ интизомини бузганлик учун
маъмурий жавобгарлик

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 15 **БАБАЕВ ЖАҲОНГИР
ИСМОИЛБЕКОВИЧ**
Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш
муносабатларида истеъмоличига
етказилган зарарни қоплаш
субъектларини аниқлаш масалалари

- 26 **ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕҲЗОД
БАХТИЁРОВИЧ**
Шарқда банкротлик элементларини
акс эттирувчи манбалар ва
уларнинг ҳуқуқий тавсифи

- 39 **БУРХАНОВА ЛЕЙЛА
МАРИУСОВНА**
Особенности правового регулирования
безвестного отсутствия физических лиц
по гражданскому праву Республики
Узбекистан: понятие и основания
установления факта безвестного
отсутствия

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

- 52 **АНОРБОВЕВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**
К вопросу об общественной опасности
и конструктивных особенностях
преступлений в виде вмешательства
в расследование или разрешение
судебных дел

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA.
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA
SUD EKSPERTIZASI

63 **ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**
К вопросу обеспечения безопасности
биометрических данных в период
диджитализации общества

75 **ПРИМОВ БАХТИЁР ОЛИМ ЎҒЛИ**
Ўзбекистонда жиноят процесси
жараёнида техник воситалар ва
электрон далиллар имкониятларидан
фойдаланиш масалалари

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

80 **ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН
ЭРГАШ ЎҒЛИ**
Оммавий иштирок халқаро
стандартларининг ривожланиш
тенденциялари

12.00.11 – PARLAMENT HUQUQI

90 **ЮСУПОВ САРДОРБЕК
БАҲОДИРОВИЧ**
Давлат бюджети устидан парламент
назорати моҳияти: илмий-назарий
таҳлил

99 **АБДУКАДЫРОВ ДОНИЁР
ХУСАНОВИЧ**
Обзор организационно-
информационного и материально-
технического обеспечения
деятельности парламентов
Великобритании и Канады

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)

108 **PAULETTO CHRISTIAN Z.**
Language of the law as a foreign
language: the challenge for globalized
legal education and a few didactic tools

UDC: 347.726(042)(575.1)
ORCID: 0000-0003-4629-2486

ИШ БАЖАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУНОСАБАТЛАРИДА ИСТЕЪМОЛЧИГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ СУБЪЕКТЛАРИНИ АНИҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаев Жаҳонгир Исмоилбекович,
Тошкент давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессор в.б.,
доцент, юридик фанлар номзоди,
e-mail: Jahongirbabaev76@mail.ru

Аннотация. Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида истеъмолчи билан шартномавий муносабатларга киришаётган субъектлар доираси хилма-хилдир. Деярли барча ҳолатларда бу субъектлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Бироқ бугунги кунда иш бажариш ва хизмат кўрсатишларнинг инновацион усуллари кенг тарқалаётганлиги, Интернет тармоғи орқали онлайн хизмат кўрсатиш турларининг оммалашиб бораётганлиги истеъмолчи билан ҳуқуқий муносабатга киришаётган субъектлар доирасини аниқлаш муаммосини юзага келтирмоқда. Айниқса, фрилансерлик фаолиятининг ривожланаётганлиги, масофавий иш бажариш ва хизмат кўрсатиш қўламининг ортиб, онлайн хизмат турларининг такомиллашиб бораётганлиги истеъмолчилар ҳуқуқларига нисбатан янги хавф ва чақириқларни пайдо қилмоқда. Бу эса айни пайтда истеъмолчиларга етказилган зарарлар учун жавоб бериши лозим бўлган субъектларни аниқлаш ва топшида қийинчиликлар келиб чиқишига, айрим ўринларда эса зарарларнинг қопланмай қолишига олиб келмоқда. Ушбу юқоридаги қондининг амал қилиши учун эса жамиятда эркин рақобат, талаб ва таклифга асосланган бозор бўлиши зарур. Шу билан бирга, ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлиги, “истеъмолчи доимо ҳақ эканлиги” истеъмолчилар ўртасида кенг тарғиб қилинмаётганлиги ҳам истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда айтарли натижа бермайди. Мазкур омиллар иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш субъектларини аниқлашга нисбатан янги ҳуқуқий ечимлар ва қондалар ишлаб чиқиш долзарблигини ифодалайди.

Калит сўзлар: истеъмолчи; зарар; субъект; иш бажариш; хизмат кўрсатиш; шартнома; фрилансер; тадбиркор; жисмоний шахс; юридик шахс.

ВОПРОСЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СУБЪЕКТОВ ВОЗМЕЩЕНИЯ ВРЕДА ПОТРЕБИТЕЛЮ ПРИ ВЫПОЛНЕНИИ РАБОТ И ОКАЗАНИИ УСЛУГ

Бабаев Джаҳонгир Исмаилбекович,
кандидат юридических наук, доцент,
и.о. профессора кафедры «Гражданское право»
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. *Круг субъектов, вступающих в договорные отношения с потребителем в сфере выполнения работ и оказания услуг, разнообразен. Практически во всех случаях это физические и юридические лица, занимающиеся предпринимательской деятельностью. Однако сегодня распространение инновационных методов выполнения работы и оказания услуг, растущая популярность онлайн-сервисов в сети Интернет создает проблему определения круга лиц, вступающих в правоотношения с потребителем. В частности, развитие фрилансовой деятельности, увеличение объема удаленного выполнения работы и оказания услуг, совершенствование онлайн-сервисов создают новые угрозы и вызовы для прав потребителей. Это, в свою очередь, приводит к трудностям в выявлении и нахождении субъектов, которые должны нести ответственность за вред, нанесенный потребителям, а в некоторых случаях приводит к невозможности взыскания вреда. Для применения этого правила в обществе должен быть рынок, основанный на свободной конкуренции, спросе и предложении. В то же время принцип, что каждый гражданин может защитить свои права как потребитель, «потребитель всегда прав» широко не пропагандируется среди потребителей, не дает достаточных результатов в защите прав потребителей. Эти факторы отражают актуальность разработки новых правовых решений и правил определения субъектов возмещения вреда потребителю в сфере выполнения работ и оказания услуг.*

Ключевые слова: *потребитель; вред; субъект; выполнение работы; оказание услуги; договор; фрилансер; предприниматель; физическое лицо; юридическое лицо.*

ISSUES OF DETERMINING THE SUBJECTS OF COMPENSATION FOR HARM TO THE CONSUMER WHEN PERFORMING WORK AND PROVIDING SERVICES

Babaev Jakhongir Ismailbekovich,

Candidate of Legal Sciences, Associate Professor
Tashkent State University of Law
acting Professor of the Department of Civil Law

Abstract. *The circle of subjects entering into contractual relations with the consumer in the field of performance of work and provision of services is diverse. In almost all cases, these are individuals and legal entities engaged in entrepreneurial activities. However, today the spread of innovative methods of performing work and providing services, the growing popularity of online services on the Internet creates the problem of determining the circle of persons entering into legal relations with the consumer. In particular, the development of freelance activities, an increase in the volume of remote work and provision of services, and the improvement of online services create new threats and challenges for consumer rights. This, in turn, leads to difficulties in identifying and finding the subjects who should be responsible for the harm caused to consumers, and in some cases leads to the impossibility of recovering the harm. For this rule to apply, society must have a market based on free competition, supply and demand. At the same time, the fact that every citizen can protect their rights as a consumer, and the fact that «the consumer is always right» is not widely promoted among consumers, does not give enough results in the protection of consumer rights. These factors reflect the relevance of the development of new legal solutions and rules for determining the subjects of compensation for harm to the consumer in the field of work and services.*

Keywords: *consumer; harm; subject; performance of work; provision of services; contract; freelancer; entrepreneur; individual; legal entity.*

Кириш

Мамлакатимизда бозор муносабатлари тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрса-

тиш жараёнида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамият касб этади. Чунки истеъмолчи маҳсулот сотиб олар экан, унинг қандай

сифатга эга эканлиги, ушбу маҳсулот харид қилингунча қандай шароитда сақланганлигидан беҳабар бўлади. Буни фақат ушбу маҳсулот сотувчисигина билади. Шу маънода истеъмолчи бундай ҳолларда алданиб қолиши, унинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари бузилиши ҳеч гап эмас.

Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қонунчилик базаси яратилган. 1996 йил 26 апрелда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун ҳужжати бевосита истеъмолчининг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавфсиз бўлиши, ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шунингдек, ишлаб чиқарувчи, ижрочи, сотувчининг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши, бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш каби ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, мазкур жараён мамлакатимизда изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – бозор муносабатлари шароитида энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлайдиган қонунчилик базаси яратилганига қарамасдан, ҳанузгача сифати паст товарлар сотиш, талабга жавоб бермайдиган хизматлар кўрсатиш ҳолатлари учрамоқда. Бунинг сабабларидан бири истеъмолчиларнинг ўз

ҳуқуқларини етарли даражада билмаслигидир. Бу ҳолат маиший хизмат кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солишдаги сўнгги ўзгаришлар, айниқса, бу соҳада фрилансерлик фаолиятига рухсат берилганлик билан узвий боғлиқдир. Шу боис иш бажариш ва хизмат кўрсатишда, хусусан, фрилансерлик фаолиятида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги ҳуқуқий механизмларини яратиш ва уларни жорий этишнинг илмий-назарий жиҳатларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш тартибга солинишининг айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг бир қатор ҳуқуқшунос олимлари томонидан у ёки бу даражада тадқиқ этилган. Улар жумласига Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров, О. Оқюлов, Ш.Н. Рўзиназаров, И.И. Насриев, С.Б. Бобоқулов, С.С. Гулямов, Д.М. Караходжаева, Н.Ф. Имомов, М.Х. Баратов, И.Р. Рустамбеков, Қ.М. Меҳмонов ва бошқаларни кiritиш мумкин. Бевосита истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг айрим йўналишлари Н.С. Нарматов, Н. Саид-Газиева, Х. Бурханходжаева, У. Дўстов, Л. Ачиловалар томонидан ўрганилган.

МДҲ мамлакатларида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унга етказилган зарарларни қоплашнинг айрим масалалари Л.А. Шашкова, М.В. Повная, В.В. Данилов, С.Ю. Баранов, В.В. Богдан, П.А. Безлепкин, Р.С. Гоибназаров, Л.Т. Гибадуллина, У.С. Болтуев, О.А. Мавлоназаров ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган.

Хорижий мамлакатларда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Christian Campell, Stoll Heinrich, Medicus Dieter, Remy Philippe, Savaux Eric, Aubry Hélène, Magnus Ulrich ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Иш бажариш муносабатларида истеъмолчи бевосита иштирок этадиган шарт-

нома – маиший пудрат шартномаси ҳисобланади. Маиший пудрат шартномасида ҳам чакана олди-сотди бўлгани каби истеъмолчининг маиший ёки бошқа шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган ишларни бажарувчи шахс – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи буюртмачи сифатида ФКнинг 656-моддаси биринчи қисмидан англашилишича, мазкур шартномада буюртмачи-фуқаро бўлиши қатъий белгиланган. Маиший пудрат муносабатларида истеъмолчи фуқаро ўзининг маиший ва шахсий тусдаги эҳтиёжларини қондириш бўйича тегишли турдаги фаолиятни яқка тадбиркор ёки юридик шахс сифатида амалга ошираётган субъектга буюртма беради. Одатда, бундай эҳтиёжлар жумласига кимёвий тозалаш, маиший техника воситаларини тузатиш, пойабзал таъмирлаш, кийим-бош тикиш, чеварчилик, фуқароларнинг тўй ёки бошқа маросимларини ўтказиш, сартарошлик ва шу каби бошқа фаолият турлари киради.

Маиший пудрат шартномаси предметиға фуқаролар ўртасида шахсий, оилавий, уй-рўзғор ва бошқа шу тусдаги эҳтиёжларини қондириш бўйича вужудга келадиган, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган муносабатлар киради [1]. Юридик адабиётларда қайд этилишича, маиший пудрат шартномаси предмети борасида турлича қарашлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, маиший пудрат шартномаси предмети тарафларнинг тегишли ишларни бажариш, иш натижаларини олиш, иш натижаларини топшириш, буюртмачи томонидан бажарилган иш натижаларини қабул қилишга қаратилган фаол ҳаракатлар ташкил этади [2]. Бошқа гуруҳ олимлар эса маиший пудрат шартномаси предметиға фуқароларнинг маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратилган жисмий натижаға эришишга қаратилган муносабатлар ташкил этади, деб ҳисоблайди [3].

Материал ва методлар

Тадқиқот жараёнида илмий билимларнинг универсал усулларида фойдаланилди: таҳлил, синтез, абстракция ва умумлаштириш. Моделлаштириш ва гипотеза каби илмий усуллар ҳам қўлланилган. Муаллиф хулосалар чиқариш учун асос сифатида ҳуқуқий расмий мантиқий усулни олади.

Тадқиқот натижалари

Фикримизча, маиший пудрат шартномаси предмети фуқаро-буюртмачининг маиший ва бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, бунинг учун лозим бўлган натижани тайёрлаш ҳамда топширишга қаратилган пудратчининг хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Бироқ бу ҳаракатлар махсус субъект – тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи пудратчи томонидан амалга оширилганидагина у маиший пудрат шартномаси предмети бўлади. Ҳуқуқий муносабатнинг икки тарафи ҳам фуқаролар бўлганда, бажарилган ҳамда маиший ва шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган иш маиший пудрат шартномаси предмети бўла олмайди. Бундай муносабатлар пудратнинг умумий қоидалари билан тартибга солинади.

Маиший пудрат шартномасининг субъекти ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчининг ҳуқуқий мақоми борасида фикр юритганда, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг бугунги ривожланиш даражасида турлича ҳолатни кўриш мумкин. Чунончи, ҳозирги шароитда маиший пудрат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритадиган – ўзини ўзи банд қилувчи жисмоний шахслар – фрилансер тоифасининг вужудга келиши бу соҳада ҳам истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишида жавобгар шахсни аниқлаш муаммосини юзага келтиради. Одатда, фрилансер – жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича меҳнат фаолия-

тини мустақил амалга оширадиган, ЯТТ сифатида рўйхатга олинмаган ва ёлланма ходимлар меҳнатидан фойдаланмайдиган жисмоний шахслар – ўзини ўзи банд қилган фуқаролар ҳисобланади [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ–4742-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати”да фрилансерларнинг 67 та тури санаб ўтилган. Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида бундай кенг ва хилма-хил фаолият турларининг жорий этилиши ижобий жиҳатлар билан бирга, истеъмолчи фуқароларнинг маиший пудрат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бир қатор қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Ушбу қийинчиликлар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) фрилансерлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъект ҳисобланмайди. Бу эса айни пайтда улар ва буюртмачи ўртасидаги муносабатларда одатдаги пудрат шартномалари сифатида кўрилади ва юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун талаблари татбиқ этилиши масаласи;

2) фрилансер томонидан бажариладиган иш бўйича кафолат берилиши, у томонидан буюртмачига маълумотлар берилиши ва бошқа истеъмолчи ҳуқуқларини таъминловчи ҳуқуқий механизмларнинг қўлланилиши масаласи;

3) ўзини ўзи банд қилган шахслар ёлланма ишчиларни жалб қила олмаслиги ҳамда иш берувчига эга бўла олмаслиги масаласи;

4) ўзини ўзи банд қилган шахснинг манзили, унинг номи ва ким эканлигини аниқлаш масаласи;

5) буюртмачига зарар етказилганда, фрилансерда тегишли мол-мулк ёки маблағнинг мавжуд бўлмаслиги.

Мазкур ҳолатлар эса, ўз навбатида, истеъмолчи иштирок этадиган иш бажариш муносабатлари доирасини кенгайтириш, фрилансерлар томонидан иш бажариш ва хизмат кўрсатишда фуқаро-буюртмачи истеъмолчи мақомига эга бўлишини тақозо этади.

Фрилансерлар томонидан бажариладиган ишлар ва кўрсатилган хизматлар, қолаверса, улар фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бу тоифадаги шахсларнинг буюртмачилар билан ҳуқуқий алоқаларини алоҳида қонун ҳужжати доирасида тартибга солиш зарурати юзага келади. Бунда фрилансерлар фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиш лозим. Хорижий мамлакатларда фрилансерлик хизмати анча машхур саналади. Фрилансерликнинг ватани ҳисобланган АҚШда ўзини ўзи банд қилиш масофавий иш ёки инглизча “Telecommuting” – “масофавий ишлаш”нинг бир тури ҳисобланади. Америкалик мутахассислар Жил Гордон ва Дэвид Флемминг томонидан 1972 йилда яратилган “Telecommuting” тизими ходимни ишхонага олиб келишдан кўра, ходимга ишни етказиш осон ва арзонлиги ғоясидан келиб чиқади. Бунда асосий масала иш берувчи томонидан техник ва вақт ресурсларини иқтисод қилиш, офисни ижарага олиш бўйича харажатларни камайтиришга имкон берса, ходим учун ҳам уйдан чиқмаган ҳолда ишни бажаришга шароит яратади. АҚШда “Telecommuting” – кенг маъноли тушунча бўлиб, 2010 йилдаги “Телеиш тўғрисидаги қонун” (Telework Enhancement Act) билан тартибга солинадиган барча масофавий иш бажариш турларини қамраб олади. Бу тоифага штатдан чиқарилган ва иш берувчи томонидан бевосита телефон ёки электрон алоқа ёрдамида назорат қилинадиган, ўриндошлик асосида масофавий ишловчи ва ўзининг барча ишини масофавий амалга оширадиган бошқа ходимлар киради [5]. АҚШда фрилансерлик тадбиркорлик фаолияти-

нинг бир тури ҳисобланади ва махсус солиққа тортиш тизимига амал қилади [6].

Агар жисмоний шахс иш берувчи томонидан назорат қилинадиган иш бажарса, у “мустақил пудратчи” (фрилансер) ҳисобланмайди, гарчи унга эркин ҳаракат қилиш имконияти тақдим этилган бўлса ҳам. Фрилансер ва ходимни фарқловчи ягона мезон – иш берувчининг ишнинг бажарилиш жараёнини тўлиқ назорат қилишга юридик ҳуқуқи борлиги масаласи саналади.

АҚШ солиқ органларида фрилансерни ёлланма ишчи сифатида талқин этиш хавфи мавжуд ва бу буюртмачи учун солиққа тортилиш, харажат, шунингдек, меҳнат қонунчилиги бузилишига оид эътирозлар кўринишидаги ноқулай юридик оқибатларни вужудга келтириши мумкин [7].

Фрилансерларнинг ҳуқуқий мақоми Италия Гражданлик кодексида ўзига хос тарзда белгиланган. Жумладан, ушбу ГКнинг бешинчи китоби аҳолининг бандлиги, меҳнат ва тадбиркорлик муносабатларига бағишланган бўлиб, унинг 2222-моддасида ўзини ўзи банд қилиш (“*lavoro autonomo*”, инглиз тилида “*self-employed*”) тўғрисидаги қоида белгиланган. Фрилансернинг асосий белгиси мижозга бўйсунмаган ҳолда ҳақ эвазига ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш ҳисобланади [8].

Италияда ўзини ўзи банд қилган ходимлар турли хил фаолиятни амалга оширадilar: хунармандлар, фермерлар, рассомлар ва шу кабилар. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг турли категориялари ажратилади ва улардан асосийлари жисмоний ҳамда ақлий меҳнат ходимлари ҳисобланади. Ақлий меҳнат ишчилари жумласига анъанавий фрилансерлик касби тушунчасига яқин бўлган эркин касб киради. Ўз навбатида, фрилансерларни солиққа тортиш, уларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат шароитлари ҳам турличадир [9].

Европа Иттифоқида фрилансер меҳнатини ташкил этишнинг иккита асосий схе-

масини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи схема (Буюк Британия) фрилансер ёлланганда, унга компаниянинг тўлақонли ходими мақоми берилади. Бунга муқобил сифатида ўзини ўзи банд қилган ишчилар махсус агентликларда рўйхатдан ўтказиладики, бу уларнинг ҳуқуқларини юқори даражада ҳимоя қилишга асос бўлади [10]. Иккинчи схема бугунги кунда Европа фрилансерлари (Эстония, Франция, Германия, Норвегия) орасида машхур бўлиб, уларни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказишга асосланади. Ушбу схема доирасида фрилансер барча жиҳатлари ва оқибатлари (рўйхатдан ўтиш, солиқ органлари ва ижтимоий ҳимоя органларида ҳисобда туриш, тадбиркорларнинг тегишли тоифаси учун белгиланган солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаш) билан бирга тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Бунда фрилансер яқка тадбиркорлик доирасидан чиқарилмайди ва ҳаттоки унинг алоҳида тури сифатида ҳам қаралмайди. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқий тартибга солишдаги ўзига хослик мавжуд эмаслигини кўрсатади. Европа Иттифоқи мамлакатлари (Греция, Италия, Франция, Польша)да фрилансерларни муддатли меҳнат шартномаси бўйича соатбай ишга олиш амалиёти мавжуд. Лекин бундай амалиёт ўзини оқлаши ёки оқламаслиги ҳозирча ўз исботини топгани йўқ. Шу сабабли фрилансерларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда нафақат уларни ҳимоя қилиш, балки улар билан ҳуқуқий муносабатга киришадиган, уларга муайян ишни бажариш топшириғини юклаётган жисмоний шахс – фуқаронинг буюртмачи – истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам муҳимдир. Шу сабабли фрилансерлар мақомини аниқлашда, улар фаолиятини тартибга солишга оид алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ҳамда фуқароларнинг маиший ёки бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ишларни бажаришда улар яқка тартибда-

ги тадбиркор мақомида бўлишлари, уларга шу мақсадда буюртма берган фуқаролар эса истеъмолчи бўлиши ҳақидаги қондани аниқлаштириш зарур.

Маиший пудрат шартномасида истеъмолчи билан бевосита ҳуқуқий муносабатга киришадиган ва унинг маиший ёки шахсий эҳтиёжларини қондиришга оид ишларни бажарадиган тараф – пудратчи ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, ФКда маиший пудрат шартномасида пудратчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъект бўлиши белгиланган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сон қарори 5-илоvasи “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш қоидалари”да пудратчи – маиший ишлар бажарувчи барча юридик ва жисмоний шахслар – хўжалик юритувчи субъектлар сифатида қайд этилган. Мазкур қоидаларда маиший хизматларни кўрсатувчи субъектларга нисбатан бир қатор талаблар қўйилган. Хусусан, буюртмачилар учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш ҳамда ўз ишларини истеъмолчилар учун мақбул бўлган вақтда амалга ошириш. Масалан, кимёвий тозалаш корхонаси истеъмолчилардан тозаланадиган кийим-кечакни қабул қилиб олиш ва уни қайтариш учун махсус қабул жойларини тайёрлаши ҳамда ўз иш фаолиятини кундузги иш соатларида амалга ошириши лозим. Қолаверса, аҳоли учун маиший ва шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган ишларни бажарувчи хўжалик юритувчи субъектлар тегишли стандарт ва регламентлар, мақбул ва асосланган баҳо ва тарифлар, навбатсиз хизмат кўрсатиладиган фуқаролар тоифалари рўйхатини ҳам истеъмолчиларга тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги

2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорига Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 850-сон қарори асосида кирилган ўзгартириш билан “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари”нинг янги рўйхати тасдиқланган. Мазкур рўйхатда маиший хизмат (иш)ларнинг 30 дан ортиқ тури келтирилган. Ушбу маиший тусдаги ишларни бажарувчилар давлат хизматлари марказлари томонидан тегишли фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтказилади.

Бу рўйхатдаги кўплаб фаолият турлари “Ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати”даги фаолият турлари билан айнан бир хилдир. Шу сабабли мазкур фаолият турлари билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар қайси ҳуқуқий мақомга эга бўлиши бевосита унинг танловига боғлиқ. Юқорида келтирилган иккала рўйхатдаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар ҳуқуқий мақомнинг қай бирини танлашдан қатъи назар, улар билан иш бажариш юзасидан шартномавий муносабатга киришган ҳамда маиший ва шахсий тусдаги ишларни буюртма қилган жисмоний шахс истеъмолчи сифатида эътироф этилиши зарур. Зеро, маиший тусдаги ишларни бажарувчилар – ўз фаолиятини амалга ошириш учун ўзини ўзи банд қилувчи фуқаро ёки якка тадбиркор тегишли тартибда рўйхатдан ўтади ва ўзига хос ҳуқуқий мақом олади. Бу мақом эса айни пайтда ўзини ўзи банд қилган ёки якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган шахсга нисбатан муайян мажбуриятларни ҳам юклашини эсдан чиқармаслик керак. Бу мажбуриятлар жумласига улар томонидан бажарилган иш учун фуқаро-истеъмолчига сифатсиз иш бажарганлик, ишни бажариш муддатини ўтказиб юборганлик, иш натижасидаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарар учун жавобгарлик билан бирга, истеъмолчига бажариладиган иш

юзасидан тегишли маълумотларни тақдим этиш, ишнинг бориши юзасидан истеъмолчига ҳисобот бериш ва шу кабилар киради.

Бироқ амалдаги қонунчиликда ўзини ўзи банд қилувчи фуқаролар маиший ёки шахсий тусдаги ишни бажаришга буюртма берган жисмоний шахс билан шартномавий муносабатда яқка тадбиркорга оид мажбуриятларни зиммасига олиши хусусида қоида мавжуд эмас. Бу эса истиқболда ўзини ўзи банд қилган шахс ва истеъмолчи ўртасидаги низоларни ҳал этишда ҳуқуқий бўшлиқларни юзага келтириши мумкин. Айни пайтда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, хусусан, иш бажариш муносабатларида истеъмолчиларга етказилган зарарларни қоплаш субъектларини аниқлашдаги яна бир муаммо – воситачилар ёки буюртмаларни йўналтириш фаолиятини амалга оширувчиларнинг жавобгарлиги ҳисобланади. Жумладан, бугунги кунда ташиш фаолиятини амалга оширувчи таксиларга мижоз топиб берувчи ва бунинг учун ташиш хизматини кўрсатувчи шахслардан тегишли воситачилик хизмати ҳақини ундирувчи турли фирмалар, хусусий корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг истеъмолчига етказилган зарарни қоплаш масаласи қонунчиликда ўз ифодасини топмаган.

Хизмат кўрсатиш муносабатларида истеъмолчиларнинг иштироки турли қонун ҳужжатларида ифодаланганлиги билан характерланади. Бунда фуқарога хизматни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ижрочи (хизмат кўрсатувчи) кўрсатса, бу ҳолатда фуқаро – истеъмолчи мақомига эга бўлади. Жумладан, истеъмолчига тиббий хизмат, таълим хизмати, туристик хизмат, алоқа хизмати ва шу каби бошқа хизмат турларини тадбиркор сифатида кўрсатаётган ижрочи унга етказилган зарарлар учун жавобгар ҳисобланади. Одатда, хизмат кўрсатиш соҳаси буюртмачига ашёвий шаклда бўлмаган хизматларни

кўрсатишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишда ифодаланади. Бунда кўрсатилган хизмат натижасида буюртмачининг қониқиш ҳосил қилиши муҳимдир. Шу боис хизматлар кўрсатиш соҳасидаги истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳар бир хизмат турида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаш алоҳида ўринга эга.

О. Оқюлов ва Н.С. Нарматовларнинг фикрича, истеъмолчиларга хизмат кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари бу ўзлари иштирок этадиган ҳуқуқий муносабатнинг моҳиятини чуқур тушуниб етадиган махсус ташкилотлардир.

Л.И. Ачилованинг фикрига кўра эса хизмат кўрсатиш муносабатларининг субъектлари сифатида, одатда, ушбу муносабатларни вужудга келтириш асоси ҳисобланган шартнома тарафлари – буюртмачи ва ижрочи иштирок этади [11].

Т.А. Мўминовнинг қуйидаги фикрлари анча баҳсли эканлигини эътироф этиш ўринли: “Фуқаролик қонунчилигида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида буюртмачи сифатида кимлар иштирок этиши ёки айнан фуқаролик ҳуқуқининг қайси субъектлари ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг тарафлари бўла олмаслиги хусусида махсус нормалар мавжуд эмас. Шу муносабат билан мазкур шартномада буюртмачиларга нисбатан фуқаролик ҳуқуқининг субъектлиликка нисбатан белгиланган умумий талаблар қўйилади. Яъни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида буюртмачи сифатида муомала лаёқатига эга ҳар қандай субъектлар иштирок этишлари мумкин” [12].

Фикримизча, хизмат кўрсатиш муносабатларида субъект, хусусан, мажбурий субъект тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва тегишли соҳага ихтисослашган жисмоний ва юридик шахс ҳисобланади. Масалан, репетиторлик хизмати таълим марказлари, тиббий хизмат тиббий

клиникалар томонидан кўрсатилади. Шу сабабли хизмат кўрсатувчининг профессионалиги бу ҳолатда истеъmolчи билан шартномавий муносабатга киришаётган субъект учун қўйиладиган бирламчи талаб саналади. Яъни истеъmolчига хизмат кўрсатувчи нафақат тадбиркорлик субъекти, балки тегишли соҳанинг профессионали бўлиши лозим. Зеро, истеъmolчи томонидан берилган буюртмани бажариш ҳамда уни йўналтириш юзасидан истеъmolчига тегишли маслаҳат бериш ҳам ижрочининг вазибаларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ–549-сон қонунда туризм соҳасида фаолият юритувчи субъектлар сифатида туризм хизматларининг тегишли туркуми ёки уларнинг муайян қисмини кўрсатадиган ва туризм билан боғлиқ бошқа тадбиркорлик фаолияти (масалан, товарлар савдоси)ни амалга оширадиган фуқаролар ва юридик шахслар эътироф этилган.

Е.А. Батищевнинг қайд этишича, исталган мамлакатда туристик фаолият тадбиркорлик фаолиятининг мустақил тури ҳисобланади. Туризм ҳуқуқий томондан тадбиркорлик, фуқаролик, молия, маъмурий ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари нормалари мажмуи асосида тартибга солинади [13].

У.Н. Дустовнинг фикрича, туристик хизмат кўрсатиш фаолияти субъектлари тушунчаси ва унинг қонунларда ифодаланган аниқ таърифи ўзаро мувофиқлаштирилиши, туристик хизмат фаолияти субъектларининг қонунлардаги таърифи унинг асосий хусусиятлари ва юридик белгиларини акс эттириши лозим. Маълумки, бунда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий номланиши эмас (корхона ёки ташкилотлиги), балки фаолият мақсади биринчи ўринга қўйилиши керак [14].

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, қайд этиш зарурки, туристик хизматлар кўрсатишда истеъmolчига етказилган зарарни қоплаш субъектлари бу, биринчи-

навбатда, у билан шартномавий муносабатларга киришган тур операторлар ва бошқа туристик агентликлар ҳисобланади. Жаҳон амалиётида туристик ташкилотлар туроператорлар ва турагентликларга ажратилади. Бир қатор мамлакатларда туроператорлар туристик маҳсулотни фақат турагентликларга реализация қилади, турагентлар эса туристик маҳсулотни худудларга тақсимлайди ва маҳаллий туристик агентлик орқали реализация қилади [15]. Туроператорлар бевосита истеъmolчиларга туристик маҳсулотни реализация қилмайдилар. Туристик фаолиятни турларга ажратишнинг айний мезонлари Европа Иттифоқида ҳам амал қилади. ЕИ Кенгашининг №90/314/ЕИК “Барча нарса-ни қамраб оладиган саёҳатлар, таътилар ва сафарлар тўғрисида”ги директивасида туроператор ва турагент атамалари ўрнига “ташкилотчи” ва “сотувчи” атамалари қўлланилган [16]. Ташкилотчи – “барчаси қамраб олинган хизмат”ни доимий ташкил этадиган ва уларни ўзи ёки сотувчи орқали сотадиган ёки сотишга таклиф этадиган шахсдир. Сотувчи – ташкилотчи томонидан таклиф этилаётган “барчаси қамраб олинган хизмат”ни сотадиган ёки сотишга таклиф этадиган шахсдир. Ушбу таъриф Саёҳатга оид контракт бўйича халқаро конвенцияда ҳам ўз ифодасини топган [17]. Бундан кўринадики, туристик хизматлар соҳасидаги шартномавий муносабатларда истеъmolчига етказилган зарар учун у билан тўғридан-тўғри шартнома тузган турагент ёки туроператор жавобгар ҳисобланади. Турагент ёки туроператор туризм соҳасида фаолият юритувчи профессионал субъектлар сифатида истеъmolчининг саёҳат ва дам олишга бўлган шахсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган хизматларни амалга оширади.

Хулосалар

Умуман олганда, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш муносабатларида истеъmolчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан, унга

етказилган зарарни қоплаш субъектлари доирасини аниқлашнинг аниқ ҳуқуқий механизmlарини белгилаш муҳим ўрин тутди.

Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари доирасининг кенгайиб бораётган-

лиги, Интернет орқали онлайн хизматларни кўрсатувчи турли субъектларнинг пайдо бўлаётганлиги истеъmolчи ҳуқуқларини кенгайтиришнинг янги ва самарали воситаларини ишлаб чиқиш заруратини ифодалайди.

REFERENCES

1. Tychinin S.V. Dogovor bytovogo podryada v grazhdanskom prave Rossii [Household contract in the civil law of Russia]. Nauchnye vedomosti – Scientific statements, 2008, no. 8 (48), p. 59. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/dogovor-bytovogo-podryada-v-grazhdanskom-prave-rossii/>.

2. Gavva M.A. Teoreticheskie i prakticheskie aspekty primeneniya norm zakonodatel'stva, reguliruyushhie otnosheniya po dogovoru bytovogo podryada. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Theoretical and practical aspects of the application of legislative norms governing relations under a household contract. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Sankt-Piterburg, 2008. Available at: <http://lawtheses.com/teoreticheskie-i-prakticheskie-aspekty-primeneniya-norm-zakonodatelstva-reguliruyushchie-otnosheniya-po-dogovoru-bytovogo-#ixzz6g3EIQAs>

3. Nigmatullin K.R. Dogovor bytovogo podryada. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Household contract. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Kazan, 2005. Available at: <https://www.dissercat.com/content/dogovor-bytovogo-podryada/>.

4. Elektron soliq xizmatlari [Electronic tax services]. Available at: https://my.soliq.uz/selfemployment/index?user_type=1/.

5. Liblik K. Pravovoe regulirovanie distancionnogo truda v SShA [Legal regulation of remote work in the United States]. Sravnitel'noe trudovoe pravo – Comparative Labor Law, 2011, no. 5. Available at: <https://www.hse.ru/data/2011/11/13/1272016486/USA-5-2011-T1.pdf/>.

6. Form 1040-ES, Estimated Tax for Individuals. Available at: <http://www.irs.gov/uac/Form-1040-ES,-Estimated-Tax-for-Individuals-1/>.

7. U.S. Code: Title 26 - internal revenue code. Available at: <https://www.law.cornell.edu/uscode/text/26/>.

8. Ital'janskij Grazhdanskij kodeks: zakonodatel'nyj korolevskij akt, 1942, № 262 (dejstvujushhij po sostojaniju na 02.04.2019) [Italian Civil Code: Royal Legislative Act, 1942, no. 262 (in force as of 02.04.2019)]. Available at: <http://www.normattiva.it/uri-res/N2Ls?urn:nir:stato:decreto.regio:1942-03-16;262!vig=/>.

9. Bredneva V.S. Frilans v Rossii i za rubezhom [Freelance in Russia and abroad]. Informacionno-analiticheskij portal. Predprinimatel'stvo i pravo – Information and analytical portal. Entrepreneurship and Law. Available at: <http://lexandbusiness.ru/view-article.php?id=7574/>.

10. Tereshhenko I.V. Frilans [Freelance]. Promyshlennno-torgovoe pravo – Industrial and commercial law, 2011, no. 9, p. 24.

11. Uslugi: jekonomiko-pravovye aspekty. Monografija. D.V. Blinov, A.A. Voronina, O.V. Zhevnjak, K.A. Igishev, N.S. Narmatov, N.K. Naroznikov, O.O. Okjulov, G.E. Sartanija, L.I. Filjushhenko, E.G. Shablova [Services: economics and legal aspects. Monograph]. Ekaterinburg, UGTU-UPI, 2008, 221 p.

12. Muminov T.A. Haq jevaziga hizmat kursatishning fuqarolik-huquqij muammolari. Jurid. fan. nomz. dis. [Civil law issues of remuneration services. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, 2007, 68 p.

13. Batishev E.A. O pravovom polozhenii sub'ektov turistskoj dejatel'nosti [On the legal status of the subjects of tourist activity]]. Probely v rossijskom zakonodatel'stve – Gaps in Russian legislation, 2011, no. 4, p. 56.

14. Dustov U.N. Turizm hizmatining xuquqij tartibga solinishi [Legal regulation of tourism services]. Tashkent, Tashkent State Law Institute, 2005, pp. 20-21.

15. European Travel Law. Chichster, John & Wiley Ltd, pp. 266, 501.

16. Direktiva Evropejskogo Jekonomicheskogo soobshhestva ot 13.06.1990. № 90/314/EES. O puteshestvijah, otpuskah i poezdках, vkluchajushhih vse [Directive of the European Economic Community of 13.06.1990. No. 90/314 / EEC. On travel, vacations and travel, including all]. Turkonsul'tant, issue 2. Moscow, Moscow Center of the Academy of Tourism. Russian Association of Social Tourism. 1998, p. 84.

17. Mezhdunarodnaja konvencija po kontraktu na puteshestvie [International Convention on the Travel Contract]. Turfirmy – Travel Agencies, 1995, no. 8, p. 84.